

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71 (575.1)**


ИБОДУЛЛАЕВА МАЪРИФАТ ТЎЛҚИН ҚИЗИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисодиёт фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Исаков Жанабай Якипбаевич,
Иқтисодиёт фаилари доктори, профессор**



Тошкент шаҳри – 2022 йил

1172

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда валюта операцияларини амалга ошириш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, банклар мижозларининг хорижий валюталарга бўлган талабини қондириш, валюта захираларини валюта рискдан ҳимоя қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Бу эса валюта операцияларини ривожлантириш банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш жиҳатидан муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан «Bank of America»нинг (АҚШ) «валюта операциялари ҳажмида своп операциялари ва валюта опционлари билан амалга оширилган операцияларнинг салмоғи 2,6 фоизли пунктга ошди», мазкур даврда «Deutsche Bank»нинг (Германия) «валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори 1,1 фоизга кўпайди»¹. Тижорат банклари валюта операцияларининг ривожланиши, пировард натижада, банкларнинг молиявий барқарорлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Дунёда тижорат банклари валюта операцияларининг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, валюта рискларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш, банкларнинг валюта операцияларини рақамлаштириш, тижорат банкларининг валютавий ликвидлилигини таъминлаш, тижорат банкларининг деривативлар билан амалга ошириладиган халқаро валюта операцияларини назорат қилиш тизимини яратишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун эса, «валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий

¹Bank of America. Annual Report 2021//<http://www.bankofamerica.com>. DeutscheBank. AnnualReport 2021//<http://www.db.com>.